БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 49 (4148).
28 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА 1980 ЙИЛ 24 ФЕВРАЛДА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Марказий сайлов комиссияси ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига 1980 йил 24 февралда бўлиб ўтган сайлов натижалари тўғрисида олинган маълумотларни 1980 йил 26 февраль куни кўриб чиқди. Комиссия 510 та сайлов округининг ҳаммасида сайлов Ўзбекистон ССР Конституциясининг ва Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг талабларига тамомила мувофиқ равишда ўтказилганлигини аниқлади.

Республика давлат ҳокимияти олий органига сайлов кампанияси омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати жўш урган, партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми қарорларини бажариш учун, Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини мунасиб кутиб олиш, ўнинчи беш йиллик планларини муваффақиятли тугаллаш учун умумхалқ кураши вазнитида ўтди.

Меҳнаткашлар сайлов кампанияси давомида Коммунистик партия билан Совет давлатининг ленинча ички ва ташқи сиёсатидан ғоят мамнун эканликларини изҳор этдилар, КПСС Марказий Комитетининг, унинг Сиёсий бюросининг социалистик экономикани, фан ва маданиятни янада ривожлантириш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги кўп қиррали ва самарали фаолиятини қизғин маъқулладилар.

Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқини, партия ва давлат бошқа раҳбарларининг сайловолди йиғилишларидаги нутқларини совет Ватанимиз учун зўр ифтихор туйғулари билан қутиб олдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов совет кишиларининг юксак сиёсий онглилигини, партия билан халқнинг мустаҳкам бирлигини яна бир марта равшан кўрсатди, социалистик демократиянинг чинакам тантанасига айланди. Кундуз соат 12 гача сайловчиларнинг 97 процентдан кўпи ўзининг гражданлик бурчини адо этди.

Бўлиб ўтган сайлов Ўзбекистон ССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонун қабул қилинганидан кейинги биринчи сайлов бўлди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда халқ кенг равишда иштирок этди. Республиканинг юз минглаб гражданлари сайлов комиссияларида, ишончли вакил, агитатор ва пропагандист бўлиб актив ишладилар.

Меҳнаткашлар ўзларининг жуда кўп сайловолди йиғилишларида депутатликка номзодларнинг сиёсий ва амалий фазилатларини бемалол ва ҳар тарафлама муҳокама қилдилар, уларга наказлар бердилар, давлат, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг ишларини янада яхшилаш мақсадида фикр-мулоҳазалари ва таклифларини айтдилар.

Марказий сайлов комиссияси барча округ сайлов комиссиялари тақдим этган протоколлар асосида умуман республика бўйича Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловнинг узил-кесил якунларини аниқлади.

Сайлов учун тузилган сайловчилар рўйхатига 7430418 киши киритилган эди. Овоз беришда 7430394 сайловчи ёки уларнинг 99,99 процента қатнашди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодларни ёқлаб 7.429068 сайловчи овоз берди, бу эса 99,98 процентни ташкил қилади. 1315 сайловчи номзодларга қарши овоз берди. Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 51-моддасига мувофиқ 11 сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб топилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 510 та сайлов округининг ҳаммасида депутатликка номзод қилиб овозга қўйилган кишилар мутлақ кўпчилик овоз олдилар ва депутат қилиб сайландилар.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 55-моддасига асосан 510 та сайлов округининг ҳаммасида ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига сайланган депутатларни рўйхатга олди.

Депутатлар орасида ишчилар 153 киши ёки 30 процент, колхозчилар 106 киши ёки 20,8 процент, барча ишчи ва колхозчилар эса 259 киши ёки 50,8 процент бўлди. Депутатлар орасида КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар 346 киши ёки 67,8 процент, партиясизлар 164 киши ёки 32,2 процент, хотин-қизлар 178 киши ёки 34,9 процент бўлди. 30 ёшгача бўлган депутатлар 115 киши ёки 22,5 процент, ЛКСМ аъзолари 85 киши ёки 16,7 процент бўлди. Депутатлар состави 61 процент янгиланди.

Ўзбекистон ССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловнинг якунлари, коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блоки номзодларининг республика давлат ҳокимияти олий органига сайланганлиги партия билан халқ монолит бирлигининг, меҳнаткашлар КПСС билан Совет давлати олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни тўла равишда қўллаб-қувватланганлигининг янги ёрқин далилидир. Сайлов жаҳонда биринчи ривожланган социализм жамиятининг чуқур демократизмини, меҳнаткашлар коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янгидан янги муваффақиятларга эришишга қатъий азму қарор қилганлигини яққол кўрсатди.

Тошкент шаҳри территориясида ташкил этилган сайлов округларидан қуйидагилар ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати қилиб сайландилар:

Саркисов Георгий Минасович—халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, 1-Фурманов округи.

Заҳриддинов Гулом Заҳриддинович — Ўзбекистон КП Марказий Комитети транспорт ва алоқа бўлимининг мудири, 2-Октябрь округи.

Дудин Краснослав Петрович — Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари, 3-Фарҳод округи.

Тўхтаев Темур Мақсудович — Ўзбекистон ССР алоқа министри, 4-Чопонота округи.

Харитонова Ирина Геннадьевна — «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг радиомонтажчилик бригадири, 5-Подмосковная округи.

Ибрагимова Ноиба — нонкондитер комбинатининг машинисти, 6-Промишленний округи.

Ҳайдарова Гавҳар Қодировна— Ўзбекистон КП Киров район комитетининг биринчи секретари, 7-Марказий округи.

Комилбекова Гулчеҳра Диёровна—«Ўртоқ» кондитер фабрикасининг ўроп машинаси машинисти, 8-Саноат округи.

Буреш Мирослав Ярославович —Ўзбекистон КП Марказий Комитети биринчи секретарининг ёрдамчиси, 9-Юнусобод округи.

Локтева Вера Владимировна — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригадири, 10-Шодлик округи.

Гулий Валентин Григорьевич — Тошкент асбобсозлик заводининг штамповкачиси, 11-Комсомол округи.

Солихов Энмарк — Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг раиси, 12-Киров округи.

Архангельский Геннадий Васильевич — Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг маъмурий органлар бўлими мудири, 13-Пушкин округи.

Эрик Георгий Михайлович — «Ўзбекхлопкомаш» бирлашмасининг машинасозлик заводи слесарь-йиғувчиси, 14-Урицкий округи.

Нўлдошев Садриддин — ВАСХНИЛ вице-президенти, Б. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси, 15-Луначарский округи.

Колпакова Мария Андреевна — «Главташкентстрой» 4-қурилиш трестининг 38-қурилиш бошқармаси гишт терувчиси, 16-Куйбишев округи.

Азимова Мухтабар Розиқовна — грампластинкалар заводининг слесарь-зарядчиси, 17-Високовольтний округи.

Мусин Ирик Харасович — Тошкент трактор заводининг директори, 18-Орджоникидзе округи.

Байнова Римма Васильевна — «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, 19-Красновосточний округи.

Валетова Людмила Александровна — «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электромонтажчиси, 20-Ленин округи.

Тихомирова Наталья Юрьевна — электрон техника заводининг оператори, 21-Кафанов округи.

Железнов Николай Матвеевич — Октябрь революцияси номли завод слесарлар бригадири, 22-Темирйўл округи.

Абдулахаева Насиба — 2-трамвай депосининг трамвай ҳайдовчиси, 23-Биринчи май округи.

Федоринов Иван Иванович —Ўзбекистон КП Ленин район комитетининг биринчи секретари, 24-Пролетар округи.

Вахрушева Наталья Николаевна — «Матбуот» бирлашмасининг ротация машиналари қабул қилувчиси, 25-Москва округи.

Рижов Сергей Николаевич — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, 26-Красноармейский округи.

Тошхўжаев Ҳожиакбар — Ўзбекистон КП Октябрь район комитетининг биринчи секретари, 27-Жданов округи.

Исроилова Гулнора Маҳкамовна — Тошкент политехника институтининг студенти, 28-Ўзбекистон округи.

Есин Василий Павлович— Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, 29-Большевик округи.

Шаповалова Антонина Фёдоровна — «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг новвойи, 30-Тельман округи.

Тоҳирова Саодат — Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг каштачиси, 31-Каттабог округи.

Садовская Надежда Иосифовна — «Главташкентстрой» 6-қурилиш трестининг 47-қурилиш бошқармаси сувоқчиси, 32-Собир Раҳимов округи.

Пўлатов Салим — Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри, 33-Форобий округи.

Саримсоқов Тошмуҳаммад Алиевич — В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг ректори, 34-Университет округи.

Трушина Любовь Петровна—«Миконд» заводи ишчиси, 35-Олмазор округи.

Орифжонова Дилбар Абдуллаевна — Тошкент чинни заводининг рассоми, 36-Янгитурмуш округи.

Козимов Воҳид Оҳунович — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, 37-Қорақамиш округи.

Рисқиева Машкура Акбаровна — Тошкент тажриба пиллакашлик фабрикасининг бугловчиси, 38-Чуқурсой округи.

Сатторов Ислом Ғаффорович — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси бошлиғи, 39-Карбишев округи.

Аҳмедов Қудратилла Аҳмедович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Госплани раиси, 40-Сергели округи.

Каримжонов Собир — 4-автобус парки шофёри, 41-Чоштепа округи.

Михайлюк Раиса Яковлевна — Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси, 42-Фрунзе округи.

Бурхонов Осим — Тошкент тўқимачилик комбинатининг директори, 43-«Ташстекстильмаш» округи.

Султонова Сайёра Умаровна — Ўзбекистон КП Фрунзе район комитетининг биринчи секретари, 44-Дзержинский округи.

Васильев Геннадий Николаевич — «Ташстекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг силлиқловчиси, 45-Тўқимачилик округи.

Мўйдинов Маҳмуд — «Ташсельмаш» заводи пайвандчиси, 46-Сельмаш округи.

Сивец Виктор Николаевич — В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, 47-Жуковский округи.

Исамуҳамедов Ҳабибулла Олимжонович — Тошкент тепловоз депоси тепловоз машинисти, 48-Шумилов округи.

Маннопов Назрулла — В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғувчи слесари, 49-Горький округи.

Орипов Ўктам Орипович — Тошкент давлат медицина институтининг ректори, 50-Охунбобоев округи.

Мартинюк Николай Каленикович — Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи авиация қўмондони ва ҳарбий совет аъзоси, 51-Калинин округи.

Икромов Анвар Солиҳович — Ўзбекистон КП Ҳамза район комитетининг биринчи секретари, 52-Ҳамза округи.

Кривошеев Григорий Фёдорович — Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи штаби бошлиғи, қўшинлар қўмондонининг биринчи ўринбосари ва ҳарбий совет аъзоси, 53-Гвардия округи.

Маҳмудов Носир — Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси, 54-Гагарин округи.

Набиев Тўлаган — «Главташкентстрой» бошлиғи, 55-Қатортол округи.

Пинхасов Борис Ильич — Ҳ. Сулаймонова номли суд экспертизаси илмий-тадқиқот институтининг директори, 56-Дўстлик округи.

Содиқов Толиб Содиқович — Ўзбекистон КП Чилонзор район комитетининг биринчи секретари, 57-Қурилиш округи.

Семёнов Павел Васильевич — «Ташметрострой» трести бошқарувчиси, 58-Домбиробод округи.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси

19 апрель—коммунистик шанбалик куни

АНИҚ РЕЖА АСОСИДА

Шаҳримизнинг бир қатор илғор ишлаб чиқариш коллективлари қатори Тошкент ўйинчоқлар фабрикасининг меҳнатсевар коллективи ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳам зарбдорларча меҳнат қилмоқда.

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун коллектив ҳамма имкониятларни чамалаб кўриб, аниқ режа тузиб олди.

Фабрика коллективи муборак кунгача планга қўшимча 10 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга азму қарор қилган. Илғор ишчилардан 19 киши ўз шахсий беш йиллик планларини бажаради. 650 ишчи эса коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга эришиш учун астойдил меҳнат қилади. 5 минг сўмлик хом ашё ва электр энергияси иқтисод қилиб қолади.

Коллектив учун анъанага айланиб бораётган меҳнат байрамида эса, худди шу хом ашё ва электр энергия билан ишлаб, кичкинтойларимиз учун қувонтирадиган 43 минг сўмлик ўйинчоқлар ишлаб чиқарилади. Бунда фабриканинг 855 ишчиси ўз иш жойларида бўлади. 30 минг сўмлик маҳсулот шу куниёқ магазинларга жўнатилади. Шу куни ишлаб топилган 7300 сўм зарбдор йил ҳисобига ўтказилади.

Вақтдан аллақачон ўзиб кетиб 1982 йил март ойи учун маҳсулот бераётган силлиқловчи В. Ивахненко, 1981 йилнинг февраль ойи учун меҳнат қилаётган М. Қобулова каби ўнлаб зарбдорлар меҳнат беллашувини авж олдириб, шанбалик куни планни 127 — 130 процентга етказиш, фақат аълоо ва сифатли, бежирим ўйинчоқлар тайёрлаб беришга аҳд қилдилар.

И. УСМОНОВ.

ТЕЖАЛГАН МАТЕРИАЛ ҲИСОБИГА

6-қурилиш трести 70-қурилиш бошқармасининг Э. Ҳожибахтиев бошлиқ бригада куни-кеча 2-Қорақамиш массивининг 4-микрорайонида 224 ўринли 9 қаватли ётоқхона қурилишида умумий ёнилғи-мойлаш ишларини тугаллади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобиннинг бригада пудрати методи бўйича ишлаётган қурувчилар йил сайин қувончли кўрсаткичларни қўлга киритишаётир. Улар бу объектда графикдан 10 кун ўзган ҳолда ишлашди.

Бригада қурувчилари Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалигига қизғин ҳозирлик кўришаяпти. Шу куни ишлаб бошидан бери иқтисод қилинган материал ва хом ашё ҳисобига иш бажарилади. Иш ҳақи ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.



Коммунист Наби Ғаниев 12 йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзининг ҳалол меҳнати билан 3.босмахона коллективи ўртасида ҳурмат қозонди. Моҳир печатник шу кунларда вақтдан ўзиб, ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаяпти.

СУРАТДА: Н. Ғаниев ўз станоги ёнида.

М. Нуриддинов фотоси.

Беш йиллик план — В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига

ҒАЙРАТ КЎРСАТИБ

Агар Тошкент шаҳри қурилиш Бош бошқармасига қарашли 12-қурилиш трести 49-қурилиш бошқармасида илғорлар ҳақида сўрасангиз албатта В. Хариашвили бошлиқ бригада аъзолари хусусида тўлқинланиб сўзлашади. Дарҳақиқат, бу бригадада ўз ишини яхши билган бинокорлар жуда кўп. В. Крюков, Т. Усмонов, Г. Султонова каби бинокорлар икки-уч касбни мукаммал эгаллаб олишган. Улар бригадада мураббийчилик ҳаракатига бошчилик қилишаяпти.

Бинокорларнинг ўз ишларига нисбатан масъулияти кучайган. Шу сабабли коллектив ойлик ва квартал топшириқларини ошириб адо этишга муяссар бўлмоқда.

Айни кунларда бригада Халқлар дўстлиги проспектида 136 квартирали саккизпанелли бинони ғафикдан ўзган ҳолда қурмоқда. Ўнинчи беш йиллик план ва топшириқларини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача бажаришга сўз берган коллектив бинодаги умумий қурилиш-монтаж ишларини муддатидан икки ҳафта илгари тугаллаш иштиёқида ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

ЯНГИ МОДЕЛДАГИ ПОЙАФЗАЛ

БУГУН

Шаҳримиздаги 2-пойафзал фабрикасида яна икки янги моделдаги пойафзал ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Булар— аёлларнинг баҳор мавсумига мўлжалланган баланд пошнали этиги ва эркакларнинг очиқ юзли сандалетидир.

Фабрика ишчилари ўтган икки ойда ўн тўрт хил янги моделдаги буюм ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Ана шу буюмлар орасида аёлларнинг баланд ва ўрта пошнали енгил туфлилари сифатлилиги ва бежиримлиги билан айниқса, ажралиб туради. Бу туфлиларнинг тагчарми кожвалон, полиуретан ёки бошқа енгил пўлаксимон материаллардан тайёрланяпти. Пойафзалчилар шу йил охиригача ҳаммаси бўлиб, етти моделдаги янги буюм ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга аҳд қилишган.

Фабрика коллективи бу йил истеъмолчиларга 18 миллион 969 минг сўмлик маҳсулот етказиб беради. Ҳозиргача эса 365 минг жуфт пойафзал тайёрланди.

Н. К. КРУПСКАЯ МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИЛАР

СССР Маориф министрлиги коллегияси ва маориф, олий таълим ҳамда илмий муассасалар ходимлари касаба союзи Марказий Комитети Президиумининг қарорига биноан ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашда алоҳида хизмат кўрсатган халқ маорифи ходимларининг бир группаси Н. К. Крупская медали билан мукофотландилар, шу жумладан:

Абдурасулов Мамажон —Андижон область Москва районидаги 41-ўрта мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси.

Рашидов Шароф Рашидович— КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан Арманистон атом электр станциясини бунёд этишда иштирок этган қурувчиларни, монтажчиларни, эксплуатациячиларни, машинасозларни, қурилишнинг барча қатнашчиларини Арманистон атом электр станциясининг қурилиши муваффақиятли тугалланганлиги ва 410 минг киловатт қувватли иккинчи энергоблокнинг ишга туширилганлиги муносабати билан самимий табриклайди.

● КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 27 февраль куни Кремлда АҚШ савдо саноат доираларининг таниқли намояндаси, «Оксидентал петролеум» фирмасининг президенти Арманд Хаммерни унинг илтимосига биноан қабул қилганлиги ҳақида ахборот босилган.

● «Муқобил планлар бўйича» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Ижодий союзларда

УЙҒУР АДАБИЁТИ СЕКЦИЯСИ

Куни кеча Ўзбекистон ёзувчилар Союзи правлениеси секретариатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир қатор масалалар муҳокама этилди. Жумладан, ўзбек халқ оғзаки ижоди бўйича ижодий Совет ва этишга қарор қилинди. Таниқли уйғур адабиёти секциясининг раиси, уйғур адабиёти секциясини ташкил этишга қарор қилинди. Таниқли уйғур шоири Рўзи Қодирий уйғур адабиёти секциясининг раиси, СССР Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси М. Ҳамроев эса раис ўринбосари қилиб сайланди. Бу ҳақда Р. Қодирий мухбиримизга шундай деди:

— Бугунги кунда Ўзбекистонда бир қатор талантли уйғур шоир ва прозаиклар ижод этяптилар. Уйғур ансамблининг чиқишларини эса минглаб санъат ихлосмандларининг эътиборини қозонган. Уйғур адабиётини янада ривожлантириш ҳамда уйғур ансамбли репертуарини бадиий ва ғоявий жиҳатдан етук асарлар билан бойитишда янги ташкил этилган уйғур адабиёти секцияси муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

Янги секция Совети аъзолари қилиб Ҳ. Солиҳова, Э. Усмонов, С. Сатишев, Я. Тоировлар сайландилар.

Секциянинг йиғилишларида уйғур шоир ва адибларининг янги асарлари, адабий танқидчилик ва адабиётшунослик масалалари муҳокама қилинади, уйғур тилидан бошқа тилларга ва қардош тиллардан уйғур тилига қилинаётган таржималар кўриб чиқилади. Ёш ижодкорларнинг асарлари муҳокама этилиб, нашрга тавсия қилинади. Шунингдек, уйғур адабиёти ва маданиятининг машҳур намоёндалари асарларини нашрга тайёрлаш, уларнинг юбилейларини ўтказиш ҳам секциянинг вазифаларига киради. Энг муҳим ишлардан яна бири уйғур шеърияти антологиясини тайёрлашдир.

Маълумки, Қозоғистонда ана шундай секция самарали иш олиб боряпти. Зиё Самад, Хизмат Абдуллин, Жамол Бўсоқов, Халид Ҳамроев каби ижодкорлар Совет адабиёти хазинасига ўз улушларини қўшяптилар. Улар билан яқин алоқа ўрнатиш ва ҳамкорлик қилиш яхши самара бериши шубҳасиз.

Ўйлаймизки, секция фаолияти уйғур адабиётини кўп миллатли Совет адабиётининг таркибий қисмига айлантиришга, кишиларимизни янги ғалабалар сари илҳомлантирувчи бадиий баркамол асарлар яратишга кўмаклашади.

ХАЛҚ ДУРДОНАЛАРИГА ЭЪТИБОР

Ўзбек халқ оғзаки ижоди бўйича ижодий Совет раиси қилиб таниқли шоир, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Эркин Воҳидов сайланди. У янги Советнинг мақсад ва вазифалари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Ўзбек халқ оғзаки ижоди кўп асрлик, бой тарихга эга. У бугунги кунда ҳам ҳаётбахш чашма каби замонавий адабиётга қувват бахш этиб келяпти. Ўз фаолиятида халқ оғзаки ижодининг самарали таъсирини ҳис этмаган ёзувчи ёки шоирни учратиш қийин. Халқ бахшилари ижодига хос бўлган образларнинг ёрқинлиги, тилнинг содда ва пишиқлиги, энг мураккаб туйғу, кечинмаларни ҳам моҳирона баён этиш каби хусусиятлар ҳар бир ижодкор учун ўрнак бўла олади.

Кейинги йилларда фольклоршунос олимлар ғайрат-шижоати туфайли халқ бахшиларининг бой ижодий мероси тўпланиб, китоб ҳолида нашр этилди. Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт ва санъат нашриёти замонавий бахшиларининг асарларини муттасам чоп этмоқда. Келгуси йил «Ёш гвардия» нашриётида Умаржул Пўлатовнинг китоби босилиб чиқади. Едгор бахши Исҳоқовнинг асарлари ҳам адабиёт мухлисларига яхши таниш. Аммо халқ оғзаки ижодини пропаганда қилишда ҳали фойдаланилмаган резервлар, қилиниши лозим бўлган ишлар бор.

Фольклор бўйича ташкил этилган янги Совет халқ оғзаки ижодини янада кенгроқ ташвиқ қилиш, бугунги кун нуқтаи назаридан ўрганиб чиқишга хизмат қилади. Замонавий бахшиларнинг асарларини муҳокама қилиш, бу асарларни вақтли матбуотда ва китоб ҳолида чоп этишга кўмаклашиш олдимизда турган вазифалардан биридир. Асосий мақсадимиз халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналари билан кенг ўқувчилар оммасини таништиришдир.

ПЕШҚАДАМЛИК УЧУН КУРАШ



Кеча Тошкент области ва Тошкент шаҳридаги энг яхши футбол майдонларида футбол бўйича Х халқаро ўсмирлар турнирининг иккинчи тур беллашувлари бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, командалар ғалабага эришиш учун бор куч ва имкониятларини ишга солдилар. Айниқса, иккинчи группада қатнашаётган Чехословакия ва Польша ўсмирлар терма командалари ўртасидаги беллашув ниҳоятда қизиқарли бўлди. Дастлабки турда бўлганидек бу сафар ҳам чехословакиялик футболчилар яхши маҳорат кўрсатишди. Улар асосан майдон марказини эгаллаб олишга аҳамият беришди. Ярим ҳимоячилар узоқ масофага тўп ошириш билан ўз ҳужумчиларини қулай вазиятга чиқариб турдилар. Худди шу нарса Польша терма командасининг дарвозаси олдида тез-тез хавфли вазиятлар вужудга келтирилишига сабаб бўлди. Қулай шароитлардан самарали фойдаланиш чехословакиялик футболчиларга омад келтирди. Улар рақибларининг дарвозасига икки марта тўп киритиб яна ғалаба нашидасини суришди. Шундай қилиб, бу группада чехословакиялик футболчилар 4 очко билан якка пешқадам бўлиб олишди. Бу группада қатнашаётган СССР-2 ва Финляндия терма командалари ўзларининг дастлабки учрашувларини ўтказишди. Ҳар икки команда футболчилари ҳам ғалабага эришиш учун жуда кўп комбинациялар ишлатишди. Учрашув 2:1 ҳисобида СССР-2 терма командаси фойдасига ҳал бўлди.

Биринчи группада эса СССР-1 ва Венгрия терма командалари ўртасида ўтказилган учрашув ниҳоятда муросасиз кураш остида ўтди. Умуман олганда майдонда мамлакатимиз футболчиларининг устунлиги яққол сезилиб турди. Улар жуда кўп марта рақибларининг дарвозаси олдида хавфли вазиятлар вужудга келтиришди. Лекин бу имкониятлардан фойдалана олишмади. Учрашувда ҳисоб очилмади — 0:0. Ҳозир бу икки коллектив актив ҳам учтадан очко бор. Улар ўз группаларида пешқадамлик қилишмоқда. Германия Демократик Республикасининг футболчилари РСФСРлик тенгдошларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ!

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутатлари

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Оқилова Гулсара Маҳмудовна — «Чевар» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси, 1-сайлов округи.

Ҳалилов Ботир Ғуломович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари, 2-сайлов округи.

Парфенов Владимир Сергеевич — 2-автокомбинат ҳайдовчиси, 3-сайлов округи.

Арслонова Насиба Қодировна — Акмал Икромов район ошхоналар трестининг ошпази, 4-сайлов округи.

Аҳмаджонов Комилжон Маҳамедович— ҳисоблаш техникаси ремонти ва техника хизмати бўйича тажриба заводининг электр механиги, 5-сайлов округи.

Музаффаров Ҳикмат — 2512-автоколонна ҳайдовчиси, 6-сайлов округи.

Зокирова Гулшод Фотиховна— Тошкент заргарлик заводининг заргари, 7-сайлов округи.

Ғаниев Абдурашид Тўлаганович — Тошкент заргарлик заводининг заргари, 8-сайлов округи.

Тусенова Зоя Ивановна— «Узавтострой» трести Тошкент область қурилиш бошқармасининг бўёқчиси, 9-сайлов округи.

Покутнев Василий Тимофеевич — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети маъмурий органлар бўлимининг мудири, 10-сайлов округи.

Саидова Наима Набиевна — «Шуҳрат» мактаб-магазинининг сотувчиси, 11-сайлов округи.

Абдуллаева Озода Аҳмедовна — «Чевар» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси, 12-сайлов округи.

Жалолов Аббос Анварович — 2512-автоколоннанинг автослесари, 13-сайлов округи.

Маматбоева Улмас Фармоновна —Тошкент сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, 14-сайлов округи.

Пашченко Зинаида Дмитриевна— «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-йиғувчиси, 15-сайлов округи.

Хвостова Нина Александровна — Тошкент булка-кондитер комбинатининг қадоқловчиси, 16-сайлов округи.

Леонов Виктор Никанорович— 2512-автоколоннанинг газ-электр пайвандчиси, 17-сайлов округи.

Мадишев Сергей Сергеевич — 2-автокомбинатнинг слесари, 18-сайлов округи.

Алиматова Клара — «Хизматбеминнат» фирмасининг катта сотувчиси, 19-сайлов округи.

Асепков Юрий Асралович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети саноат бўлимининг мудири, 20-сайлов округи.

Шремет Раиса Федеровна — ҳисоблаш техникаси ремонти ва техника хизмати бўйича тажриба заводининг прессловчиси, 21-сайлов округи.

Алексеев Алексей Сергеевич— Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигига қарашли давлат махсус бадиий конструкторлик технология бюросининг электр пайвандчиси, 22-сайлов округи.

Ҳошимова Лутфинисса — булка-кондитер комбинатининг ишчиси, 23-сайлов округи.

Зиёдов Зоид— «Чевар» тикувишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, 24-сайлов округи.

Антонова Сакина Кашаповна— «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг диспетчери — 25-сайлов округи.

Солиҳова Латофат Собировна — тез медицина ёрдами кўрсатиш клиник касалхонаси қошидаги 4-станция диспетчери, 26-сайлов округи.

Муталова Кифоят Аҳмедовна— Тошкент заргарлик заводининг заргари, 27-сайлов округи.

Ерматова Лидия Александровна— сут саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг тахловчи-қадоқловчиси, 28-сайлов округи.

Эрназарова Дилбар Аҳмедовна — сут саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, 29-сайлов округи.

Мирсаидов Шукрулло Раҳматович— шаҳар план комиссиясининг раиси, 30-сайлов округи.

Йўлдошва Шоира Рашидовна — миллий чолғу асбоблари фабрикасининг йиғувчиси, 31-сайлов округи.

Исаев Саъдулла Исроилович — Тошкент шаҳар ижроия комитети маиший хизмат бошқармасининг бошлиғи, 32-сайлов округи.

Аҳмедов Назир Аҳмедович — Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг бошлиғи, 33-сайлов округи.

Мансуров Ортиқ Мансурович— Тошкент шаҳар ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасининг бошлиғи, 34-сайлов округи.

Абдурасулов Ғуломназар —Акмал Икромов район Совети ижроия комитетининг раиси, 35-сайлов округи.

Исломов Шамсуддин Исломович— Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи, 36-сайлов округи.

Концевая Клавдия Васильевна— Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармасининг бошлиғи, 37-сайлов округи.

Тўрақулов Раҳим Умарович — Тошкент шаҳар ижроия комитети молия бўлимининг мудири, 38-сайлов округи.

Байжонов Наримон Рауфович— шаҳар спорт комитетининг раиси, 39-сайлов округи.

Камолова Мамлакат Саидовна — область касаба союзлари Советининг секретари, 40-сайлов округи.

Аббосова Роза Эминжоновна— булька-кондитер комбинатининг директори, 41-сайлов округи.

Зисман Наум Израилович — «Гордорстройремонт» трестининг бошлиғи, 42-сайлов округи.

Левин Михаил Самуилович — 2-автокомбинатнинг директори, 43-сайлов округи.

Афонин Валентин Аркадьевич — монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрининг ўринбосари, 44-сайлов округи.

Салимов Сафар— шаҳар судининг раиси, 45-сайлов округи.

Муҳамедов Суннат Муҳамедович— республика эпидимиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтининг директори, 46-сайлов округи.

Саидаҳмедов Валихон— тез медицина ёрдами шаҳар клиник касалхонасининг бош врачи, 47-сайлов округи.

Камолов Хожиакбар Камолович —Ўзбекистон Компартияси Акмал Икромов район комитетининг биринчи секретари, 48-сайлов округи.

Хусанов Рихситилла Хусанович — 63-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртининг директори, 49-сайлов округи.

Кароматов Саъдулла Музаффарович — «Вечерний Ташкент» ва «Тошкент оқшоми» газеталарининг редактори, 50-сайлов округи.

Фурцева Елена Николаевна — тез медицина ёрдами шаҳар клиник касалхонасининг бўлим мудири, 51-сайлов округи.

Шек Валерия Мануиловна — 10-поликлиниканинг бош врачи, 52-сайлов округи.

Чуркина Елена Ивановна —78-ўрта мактабнинг ўқитувчиси, 53-сайлов округи.

Ҳакимова Муайяд Товфиқовна — 116-ўрта мактабнинг ўқитувчиси, 54-сайлов округи.

Абдувалиева Шоира— рус тили ва адабиёти институтининг студенти, 55-сайлов округи.

Дубовой Петр Тимофеевич — хизматчи, 56-сайлов округи.

Буданов Дмитрий Иванович — хизматчи, 57-сайлов округи.

— «Узбекэнергоремонт» корхонасининг электр пайвандчиси, 82-сайлов округи.

Лапина Мария Ефимовна — «Ўртоқ» кондитер фабрикаси ўров машинасининг машинисти, 83-сайлов округи.

Сатторов Ислом Ғаффорович— Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, 84-сайлов округи.

Кузьмина Валентина Петровна — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг контролери, 85-сайлов округи.

Матюшкина Вера Васильевна— «Строймеханизация» трестининг минорали кран машинисти, 86-сайлов округи.

Орипов Ислом — 2505-автоколоннанинг ҳайдовчиси, 87-сайлов округи.

Колибердин Виктор Иванович— «Главташкентстрой» 11-«Висотстрой» қурилиш трестининг бошқарувчиси, 88-сайлов округи.

Дудин Краснослав Петрович— Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари, 89-сайлов округи.

Деҳқонхўжаев Нурилла Абдуллаевич— Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 90-сайлов округи.

Мамонтов Борис Александрович— Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари, 91-сайлов округи.

Норхонова Умида Жўраевна— Тошкент вакцина ва зарбдор илмий-тадқиқот институтининг қадоқловчиси, 92-сайлов округи.

Зарубин Геннадий Леонтьевич — Ўзбекистон Компартияси Киров район комитетининг иккинчи секретари, 93-сайлов округи.

Зиёвутдинова Насибахон Насриддиновна— «Ташхлебторг»нинг сотувчиси, 94-сайлов округи.

Султонов Бурхон— Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири, 95-сайлов округи.

Хусаинов Рафқат Зинатович— «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, 96-сайлов округи.

Мирзаева Лола Воҳидовна — «Ўртоқ» кондитер фабрикаси ўров машинасининг машинисти, 97-сайлов округи.

Адалев Герман Борисович — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, 98-сайлов округи.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Эргашев Турғун Эргашевич — Ўзбекистон Компартияси Куйбишев район комитетининг биринчи секретари, 99-сайлов округи.

Аршинова Ольга Анатольевна Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси республика ҳисоблаш марказининг оператори, 100-сайлов округи.

Грешникова Галина Андреевна— «Узбекбирлашув» савдо ускуналари заводи пардозчилар бригадасининг бошлиғи, 101-сайлов округи.

Тўхтасинов Эргаш Дадабоевич «Узбекхлопкомаш» заводининг йўнувчиси, 102-сайлов округи.

Юшаков Александр Николаевич— Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 8-автобазасининг ҳайдовчиси, 103-сайлов округи.

Ғафаров Нариман Эскандерович —«Узбекхлопкомаш» заводининг рангли металл қуювчиси, 104-сайлов округи.

Мархаев Ахилбек Мархаевич— қурилиш банки Тошкент бўлимининг бошқарувчиси, 105-сайлов округи.

Нехорошов Сергей Дмитриевич — 2519-автоколоннанинг ҳайдовчиси, 106-сайлов округи.

Ҳамидов Жавдат Рафқатович— Ўзбекистон ССР Давлат таъминоти раисининг ўринбосари, 107-сайлов округи.

Тайпиев Хожимурод Байхонович— савдо ускуналари заводининг дурадгори, 108-сайлов округи.

Лев Татьяна Ивановна — «Узхлодоторгмонтаж» заводининг электр сим ўровчиси, 109-сайлов округи.

Игумнов Тимофей Ильич—«Узбекхлопкомаш» заводининг йўнувчиси, 110-сайлов округи.

Пронин Василий Федорович— экскаватор заводининг токари, 111-сайлов округи.

Тихонова Лидия Ивановна — марксизм-ленинизм университетининг ректори, 112-сайлов округи.

Меркушина Лидия Степановна — Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг катта оператори, 113-сайлов округи.

Низамиев Иззат— «Узбекгазмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари, 114-сайлов округи.

Убайдуллаева Ноила Лутфуллаевна— «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр сим ўровчиси, 115-сайлов округи.

Алимов Ҳикматулла Раҳматович— «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, 116-сайлов округи.

Алимуҳамедова Дилшон Ғаниевна— трактор заводининг кранчиси, 117-сайлов округи.

Азимхўжав Валихўжа — экскаватор заводининг токари, 118-сайлов округи.

Шагиев Хазип Назипович — трактор заводи партия комитетининг секретари, 119-сайлов округи.

Степашин Николай Михайлович —трактор заводининг токари, 120-сайлов округи.

Зупаров Йўлдош Эргашевич — 2519-автоколоннанинг электриги, 121-сайлов округи.

Григорьев Анатолий Иванович —«Эталон» заводининг слесари, 122-сайлов округи.

Пахретдинова Маъмура Абдухалиловна — «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кранчиси, 123-сайлов округи.

Алиев Бурхон Қосимович — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари — 124-сайлов округи.

Мухторов Раҳмонбек Раҳматуллаевич — 2521-автоколоннанинг шофери, 125-сайлов округи.

Львов Сергей Петеримович — 6-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, 126-сайлов округи.

Мартинова Ольга Васильевна— маҳаллий саноат ташкилотининг ишчиси, 127-сайлов округи.

Шевченко Любовь Дмитриевна —ойна-мебель фабрикасининг ишчиси, 128-сайлов округи.

Тўхтасинов Ғанихўжа — 4-қурилиш трестининг ғишт терувчиси, 129-сайлов округи.

Шукурова Мавлуда — 3-ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг тикувчиси, 130-сайлов округи.

Мадаминова Гулшод Болтаевна — Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси ҳисоблаш марказининг оператори, 131-сайлов округи.

Муҳиддинов Ҳожимурод Камолович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ташкилий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари, 132-сайлов округи.

Деревягина Татьяна Ивановна — экскаватор заводининг кранчиси, 133-сайлов округи.

Орипов Файзулла Ҳусанович — «Ташавтоматика» заводининг электр монтери, 134-сайлов округи.

Ражабов Раҳим Ражабович — экскаватор заводининг директори, 135-сайлов округи.

Воскобойников Виктор Владимирович — 2-ёғочни қайта ишлаш заводининг дурадгори, 136-сайлов округи.

Силантьева Ольга Ивановна — грампластинкалар заводининг электр монтёри, 137-сайлов округи.

Рудакова Ираида Павловна — «Ташэнергострой» қурилиш-монтаж бошқармасининг бўёқчиси, 138-сайлов округи.

Қосимхўжаева Наима Ҳикматуллаевна — маҳаллий саноат корхонаси ишчиси, 139-сайлов округи.

Шораҳмедов Жавлон Аҳмедович — «Главташпассавтотранс» бошқармасининг бошлиғи, 140-сайлов округи.

Удодова Людмила Владимировна — «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг лаборанти, 141-сайлов округи.

Каримжонов Илҳомжон Орипжонович — лак-бўёқ заводининг слесари, 142-сайлов округи.

Кукушкина Людмила Федоровна — лак-бўёқ заводининг аппаратчиси, 143-сайлов округи.

Қориева Бернора Раҳимовна— Навоий номли театр солисткаси, 144-сайлов округи.

Улуғова Махбуба Кунузоқовна —Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг III курс студенти, 145-сайлов округи.

Абдуллаев Бахтиёр Омонуллаевич — «Узбекхлопкомаш» бирлашмасининг слесари, 146-сайлов округи.

Ярищкина Клавдия Ивановна— трактор заводининг бўёқчиси, 147-сайлов округи.

Раҳимова Шоира Шариповна— «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўровчиси, 148-сайлов округи.

Тимко Владимир Ильич — 4-қурилиш трестининг слесари, 149-сайлов округи.

Норматова Зулхумор —3-ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг тикувчиси, 150-сайлов округи.

Набиев Абдуҳаким Ғаниевич— тажриба-экспериментал механика заводининг моделчиси, 151-сайлов округи.

Собиров Рустам Юнусович — «Эталон» заводининг дуродгори, 152-сайлов округи.

Акбарова Холида Жабборовна — «Гастроном» идораси магазинининг сотувчиси, 153-сайлов округи.

Кротков Юрий Всеволодович— граммпластинкалар заводининг директори, 154-сайлов округи.

Шелим Нина Алексеевна — почта алоқаси ишлаб чиқариш-техника бирлашмасининг телеграфчиси, 155-сайлов округи.

Расулов Омил Саидкаримович — Куйбишев район Совети ижроия комитетининг раиси, 156-сайлов округи.

Ҳикматуллаев Неъмат Ҳикматуллаевич — «Узгипротяжпром» институтининг директори, 157-сайлов округи.

Кутранова Анастасия Александровна — трактор заводининг токари, 158-сайлов округи.

Шамсутдинова Алевтина Ивановна — граммпластинкалар заводининг ишчиси, 159-сайлов округи.

Зоиров Қаюм Собирович — врачлар малакасини ошириш институтининг ректори, 160-сайлов округи.

Боймуҳамедова Ноила Турғуновна — Куйбишев район ошхоналар трестининг ошпази, 161-сайлов округи.

Усмонова Манзура Мўминовна — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ядро физикаси институти директорининг ўринбосари, 162-сайлов округи.

Цурокин Петр Михайлович — хизматчи, 163-сайлов округи.

КИРОВ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Холмуҳамедова Шоира Умаровна— «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси, 58-сайлов округи.

Кабарда Флорентина Александровна — «Узбекэнергоремонт» корхонасининг электр сим ўровчиси, 59-сайлов округи.

Юсупов Собир Мўминович — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 60-сайлов округи.

Чурсин Юрий Андреевич — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ташкилий ишлар бўлимининг мудири, 61-сайлов округи.

Насачева Нина Александровна — «Ташстройматериали» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, 62-сайлов округи.

Ғуломова Маърифат Раҳимовна— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг ростловчиси, 63-сайлов округи.

Кашченко Нина Васильевна— «Главташкентстрой» 11-«Висотстрой» трестининг бўёқчиси, 64-сайлов округи.

Саидхўжаева Муҳайё Расулжоновна — «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси, 65-сайлов округи.

Чирков Борис Леонидович — 2505-автоколонна ҳайдовчиси, 66-сайлов округи.

Болтенко Валентина Владимировна— тамаки фабрикаси сигарет цехининг машинисти, 67-сайлов округи.

Файзихўжаева Розия Зокировна— Тошкент автомобиль йўллари институтининг III курс студенти, 68-сайлов округи.

Рахматжонов Эргаш— Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси автобазасининг ҳайдовчиси, 69-сайлов округи.

Харитонов Владимир Анатольевич — «Главташкентстрой» 11-«Висотстрой» трести 1-қурилиш бошқармасининг дурадгор-монтажчиси, 70-сайлов округи.

Мизонова Надежда Евгеньевна — «Узбексельмаш» заводининг прессловчиси, 71-сайлов округи.

Пискунов Вадим Николаевич— хизматчи, 72-сайлов округи.

Ризаев Журабой— «Строймеханизация» трестининг ҳайдовчиси, 73-сайлов округи.

Жонибеков Жавлон Мавлонович — Киров район Совети ижроия комитетининг раиси, 74-сайлов округи.

Крикоров Артаваз Аванесович — Ўзбекистон ССР Молия министрининг ўринбосари — 75-сайлов округи.

Эргашев Ботир Қодирович — «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, 76-сайлов округи.

Хананова Фания Муҳаммаджоновна— «Узбексельмаш» заводининг токари, 77-сайлов округи.

Гончарова Надежда Васильевна —«Строймеханизация» трестининг минорали кран машинисти, 78-сайлов округи.

Обидова Матлуба Одиловна— вакцина ва зарбдор илмий-тадқиқот институтининг лаборанти, 79-сайлов округи.

Муҳамедова Сурайё Абдунабиевна— «Ташобувьторг» 7-магазинининг сотувчиси, 80-сайлов округи.

Кемалова Садие Эреджеповна— Тошкент асбобсозлик заводининг йўнувчиси, 81-сайлов округи.

Бездилига Владислав Петрович

ЛЕНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА

Романова Александра Павловна — каноп фабрикасининг ишчиси, 164-сайлов округи.

Окунская Любовь Ивановна — шаҳар медицина билим юртининг директори, 165-сайлов округи.

Орипова Зулхумор — «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси, 166-сайлов округи.

Туюнбоева Нигора Файзуллаевна — республика Модалар уйининг бичиқчиси, 167-сайлов округи.

Мушкарёв Вадим Георгиевич— В. И. Ленин номли электрон-техника заводининг директори, 168-сайлов округи.

Найденкова Любовь Николаевна — В. И. Ленин номли электрон-техника заводининг ишчиси, 169-сайлов округи.

Яригин Владимир Степанович — «Ташсантехгазмонтаж» трестининг электр пайвандчиси, 170-сайлов округи.

Вяльцева Елена Андреевна — Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонасининг электр монтёри, 171-сайлов округи.

Козимов Воҳид Охунович — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, 172-сайлов округи.

Хайдаров Тўйчи Хайдарович— Ўзбекистон Компартияси Ленин район комитетининг иккинчи секретари, 173-сайлов округи.

Абзалова Муҳаббат Иброҳимовна —фармацевтика институтининг III курс студенти, 174-сайлов округи.

Бушуев Виктор Борисович — «Средазтрансстрой» трестининг бульдозерчиси, 175-сайлов округи.

Қаҳҳоров Марат Маликович — Ленин район Совети ижроия комитетининг раиси, 176-сайлов округи.

Азимова Ёдгор Ҳамдамовна— В. И. Ленин номли якка буюртмалар тикиш ва ремонти ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси, 177-сайлов округи.

Маҳкамов Ҳамдам — Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлимининг бошлиғи, 178-сайлов округи.

Ғафуров Турсунбой Қодирович — 3-таксопарк слесари, 179-сайлов округи.

Аванесов Георгий Васильевич — «Ташсантехгазмонтаж» трестининг бошқарувчиси, 180-сайлов округи.

Лохматов Геннадий Николаевич — «Главташкентстрой» 8-қурилиш трестининг бўёқчиси, 181-сайлов округи.

Рўзиев Восиқ Рўзиевич—«Ташгипротранс» институтининг бошлиғи, 182-сайлов округи.

Шукурова Мамлакат Тожиевна — «Водоканал» трестининг оператори, 183-сайлов округи.

Қаюмова Маърифат Гапировна — «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўровчиси, 184-сайлов округи.

Ионова Татьяна Николаевна — Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси 1-депосининг ҳайдовчиси, 185-сайлов округи.

Шинкина Наталья Николаевна —«Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси, 186-сайлов округи.

Чудина Тамара Григорьевна— тажриба-механика заводининг оператори, 187-сайлов округи.

Загуменнов Владимир Панфилович — Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг бошлиғи, 188-сайлов округи.

Шоғуломов Ислом Шомуродович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг директори, 189-сайлов округи.

Алимова Холида Мирзаабдуллаевна — В. И. Ленин номли электрон-техника заводининг йиғувчиси, 190-сайлов округи.

Вашурина Надежда Алексеевна — 1-авторемонт заводининг контролери, 191-сайлов округи.

Шоюсупов Рамиз Усмонович — «Ташсовет» номли шифохонанинг бош врачи, 192-сайлов округи.

Полишук Татьяна Григорьевна — «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр монтажчиси, 193-сайлов округи.

Калиненко Ольга Викторовна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг қабул қилувчиси, 194-сайлов округи.

Пўлатова Зуҳра Садировна— «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-йиғувчиси, 195-сайлов округи.

Фаттохова Мунира Фаттоховна — «Гордорстройремонт» трестининг йўл ишчиси, 196-сайлов округи.

Ҳакимова Ҳалима Саидовна — Тошкент метрополитени поездларни қабул қилиш ва жўнатиш бўйича навбатчиси, 197-сайлов округи.

Григорьева Людмила Георгиевна — Тошкент химия-фармацевтика заводининг лаборанти, 198-сайлов округи.

Султонмуродов Абдуллажон — Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводининг қуювчиси, 199-сайлов округи.

Цирлина Тамара Филипповна— 8-экспериментал-ремонт заводининг контролери, 200-сайлов округи.

Осипов Владимир Михайлович — Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводининг слесари, 201-сайлов округи.

Расулов Карим Расулович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири, 202-сайлов округи.

Майоров Геннадий Александрович — Тошкент метрополитенининг электр поезди машинисти, 203-сайлов округи.

Сирожиддинов Бурхон Ҳасанович — хизматчи, 204-сайлов округи.

Стрельцов Григорий Павлович — хизматчи, 205-сайлов округи.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Щеликалин Александр Васильевич — Тошкент ГРЭСи каскадининг слесари, 206-сайлов округи.

Маямсин Виталий Васильевич —Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, 207-сайлов округи.

Седова Вера Михайловна —Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети умумий ишлар бўлимининг мудири, 208-сайлов округи.

Тошалиева Дилором Аҳматовна — Тошкент Бош универсал магазинининг сотувчиси, 209-сайлов округи.

Маришев Тимофей Фомич — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети партия комиссиясининг раиси, 210-сайлов округи.

Максимова Ольга Николаевна— «Средазэнергоцветмет» корхонасининг автослесари, 211-сайлов округи.

Махсудова Сафия Муротовна— бадиий буюмлар фабрикасининг каштачиси, 212-сайлов округи.

Эрмуҳамедов Рашид Эшпўлатович — «Ташинжстрой» трестининг электр пайвандчиси, 213-сайлов округи.

Банина Инаида Борисовна — Марказий телеграфнинг телеграфчиси, 214-сайлов округи.

Малеева Вера Николаевна — «Ташкентхлеб» бирлашмасининг хамир қорувчиси, 215-сайлов округи.

Каримова Мухбатар Баҳромовна — бадиий буюмлар фабрикасининг тайёрловчиси, 216-сайлов округи.

Шарипова Гулчеҳра Одиловна —бадиий буюмлар фабрикасининг тикувчиси, 217-сайлов округи.

Содиқназарова Нигором — «Ташкентхлеб» бирлашмасининг прессловчиси, 218-сайлов округи.

Панченко Григорий Владимирович — 159-қурилиш тресги комплекс бригадасининг бригадири, 219-сайлов округи.

Жалилова Вазира Шокаримовна — «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг машинисти, 220-сайлов округи.

Ирисбекова Зуҳра Далабоевна — «Ташкентхлеб» бирлашмасининг бригадири, 221-сайлов округи.

Ғуломов Ҳамид Убайдуллаевич — Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётининг директори, 222-сайлов округи.

Ёқубова Мукамбар Тўхтаевна— Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси, 223-сайлов округи.

Умаров Учқун Умарович —Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари, 224-сайлов округи.

Аъзамов Мубошир Аъзамович — Октябрь район Совети ижроия комитетининг раиси, 225-сайлов округи.

Умарова Мукамбар Туробовна — Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси, 226-сайлов округи.

Аҳророва Наима Асқаровна — кўн-галантерея фабрикасининг бичиқчиси, 227-сайлов округи.

Тиллаева Маъмура Рашидовна — кўн-галантерея фабрикасининг ишчиси, 228-сайлов округи.

Каримова Шоҳиста Аъзамовна —Марказий телеграфнинг оператори, 229-сайлов округи.

Тўлаганова Шахноза Жўраевна — Спорт товарлари фабрикасининг тикувчиси, 230-сайлов округи.

Берчук Иван Петрович — хизматчи 231-сайлов округи.

Саркисов Георгий Минасович— Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 232-сайлов округи.

Нишонов Турсунбой Йўлдошевич — «Ўзбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тайёрловчиси, 233-сайлов округи.

Эсонбоев Тонготар Ойжонович —«Таштрансспецстрой» трестининг бригадири, 234-сайлов округи.

Акбарова Муқаддам — «Сувенир» фабрикасининг ишчиси, 235-сайлов округи.

Викторов Анатолий Евгеньевич — Ўзбекистон Компартияси Октябрь район комитетининг иккинчи секретари, 236-сайлов округи.

Шарифхўжаев Мурод Шарифхўжаевич — Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректори, 237-сайлов округи.

Саблина Тамара Викторовна— Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси, 238-сайлов округи.

Юнусова Маърифат Баҳромовна — кўн-мўйна заводининг сараловчиси, 239-сайлов округи.

Вахмянина Галина Федоровна —«Жилстрой» тресги комплекс бригадасининг бригадири, 240-сайлов округи.

Хайдаров Анвар —«Жилстрой» трестининг машинисти, 241-сайлов округи.

Орифжонова Муаттар — Октябрь район озиқ-овқат савдоси бўлимининг сотувчиси, 242-сайлов округи.

Орипова Мукаррам — кўн-мўйна заводининг тикувчиси, 243-сайлов округи.

Пантелеева Анна Васильевна— 2-шаҳар ремонт-қурилиш тресги, 5-ремонт-қурилиш бошқармасининг бўёқчиси, 244-сайлов округи.

Юнусов Ҳасан Туробович — Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ремонт-қурилиш бошқармасининг бўёқчиси, 245-сайлов округи.

Тупикин Анатолий Яковлевич— «Узбитремонтстроймонтаж» тресги ремонт-қурилиш бошқармасининг бўёқчиси, 246-сайлов округи.

Неъматова Ақида Аҳмедовна— «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг муқоваловчиси, 247-сайлов округи.

Зоҳидова Тамара Тоҳировна— Ўзбекистон театр жамияти ишлаб чиқариш комбинатининг тикувчиси, 248-сайлов округи.

Васина Тамара Николаевна — Республика шаҳарлараро телефон станцияси телефонистлар бригадири, 249-сайлов округи.

Солихова Масуда Убайдуллаевна — «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг линотипчиси, 250-сайлов округи.

Абдуқодиров Абдумўмин Абдуқодирович — «Ташинжстрой» трестининг бошқарувчиси, 251-сайлов округи.

Гуржиев Георгий Аркадьевич —«Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош директори, 252-сайлов округи.

Айрапетов Петр Константинович — «Ташплодоовощ» бирлашмасининг директори, 253-сайлов округи.

Садименко Павел Иванович — В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, 254-сайлов округи.

Ғуломов Ҳикматулла Ғуломович — Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР Алоқа министрининг ўринбосари, 255-сайлов округи.

Очилов Асқар Маъмуржонович — ошхоналар трестининг ошпази, 256-сайлов округи.

Мирзааҳмедова Муршида Зоҳидовна — «Ташкентпиво» бирлашмаси ювиш автоматининг машинисти, 257-сайлов округи.

Одилов Собир Раҳимович — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети архитектура-планлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи, 258-сайлов округи

Ризаев Қулаҳмат Тошпўлатович —1-шаҳар клиник касалхонасининг бош врачи, 259-сайлов округи.

Аҳмедов Карим Содиқович — А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг ректори, 260-сайлов округи.

Лемжин Юрий Васильевич — Тошкент олий партия мактабининг тингловчиси, 261-сайлов округи.

Пирмуҳамедова Гулмира Майтдиновна — А. Р. Беруний номли Тошкент политехника институтининг II курс студенти, 262-сайлов округи.

Хонова Эътибор Мансуровна— халқ хўжалиги институтининг II курс студенти, 263-сайлов округи.

Исмоилов Қўчқор Исмоилович — Ўзбекистон ССР давлат таъминоти «Узглавметалл» бошлиғи 264-сайлов округи.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Қобулова Маъфура Раҳимовна — Тошкент ўйинчоқлар фабрикасининг йиғувчиси, 265-сайлов округи.

Чермошенцев Юрий Сергеевич — 10-автомобиль ремонти заводининг электриги, 266-сайлов округи.

Нажмиддинов Фахриддин Ҳилолович — тажриба-механика экскаватор ремонти заводининг слесари, 267-сайлов округи.

Тожиев Ҳуснитдин Нажмиддинович — «Миконд» заводининг бош директори, 268-сайлов округи.

Исматов Ҳикмат Тоирович — «Компрессор» заводининг силлиқловчиси, 269-сайлов округи.

Байжонов Валерий Рауфович— агрегат заводининг директори, 270-сайлов округи.

Тожибоева Марғуба Қодировна — Тошкент ўйинчоқлар фабрикасининг пайвандчиси, 271-сайлов округи.

